



# ТОШКЕНТ

## ОҚШОММИ

2009 йил 25 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (11.501)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI сadosi**  
аср  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасида корхоналарда сифатни бошқариш тизимини жорий этишда бошқарув органларининг ўрнига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳрида Ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида «ICTExpo—2009» кўргазмаси давом этмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги ахборот-коммуникация соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотлари ҳамда хизмат турларини намойиш этмоқда.

● «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Ўзбекистон экологик ҳаракати, «Камолот» ЁИҲ ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Марказий Осиёдаги экологик вазият ва барқарор ривожланиш масалалари» мавзусида халқроқ давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон мойли ва толали ўсимликлар илмий-текшириш станцияси олимлари томонидан каноппинг янги — «Ўзбекистон — 2225» нави яратилди.

● Наманган шаҳрида автомобиль чироклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «UzChasys» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси иш бошлади. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Корея Республикасининг «UzChasys» Co.Ltd компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу корхона вужудга келишида тўрт миллиард сўм маблағ сарфланди.

● Термиз туманидаги Лимонзор қишлоғида 615 ўқувчи ўрнига мўлжалланган туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти олимлари томонидан вирусли гепатит хасталигига қарши ишлатиладиган янги тиббий восита яратилди. «Рагосин» деб номланган ушбу восита муваффақиятли синовдан ўтди.

● Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастрини номидаги Ҳинд маданияти марказида «Ҳинд-ўзбек тарихий ва маданий алоқалари: Самарқанд, Бухоро ва Кашмир мисолида» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳрида «Тадбиркор аёллар маҳсулотлари—2009» ярмаркаси ўтказилди. Унда соҳада катта тажриба тўплаган, ишлаб чиқарган маҳсулотларига ҳўрж истеъмолчилари ҳам харидор бўлаётган 60 нафардан зиёд тадбиркор аёл иштирок этди.

### ЖАҲОНДА

● Саудия Арабистонида илк бор аёл ва эркеклар бирга таҳсил олувчи университет ўз фаолиятини бошлади. Энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган Қирол Абдулла номидаги мазкур Фан ва технологиялар университетига 800 нафар ҳорижлик талаба ва етмиш нафар профессор қабул қилинди.

● Гондураснинг қувғиндаги президенти Мануэль Селлайя памакатта пинҳона қайтиб, Тегусигальпадаги Бразилия элчихонасига яширилган. У элчихонага йиғилган тарафдорларини ўзини бошқарувдан четлаштирган Роберто Мичелеттидан ҳукуматни тортиб олишга чақирди. Бунга жавобан ҳозирда президентлик вазифасини вақтинча бажараётган Мичелетти комендантлик тартибининг жорий этди.


● Таиландда ОИТС хасталигига қарши яратилган янги вакцина синовдан ўтказилди. Мазкур синов жараёнига мамлакатдаги хасталик энг кўп қузатилган минтақасида яшовчи 18-30 ёш атрофидаги 16 минг киши жалб этилган. Янги вакцина касаллик хавфини 31 фоизга қисқартириши аниқланган.

● «РИА Новости» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича Россиянинг Воронеж шаҳридаги пиротехника воситалари сақланувчи омборда портлаш содир бўлди. Фалокат натижасида омбор биноси жиддий зарар кўриб, 42 киши ҳалок бўлган.

● Жорий йилнинг август ойида Буюк Британия банклари томонидан берилган ипотека кредитлари микдори ўсиши қузатилгани ҳақида «Евроньюс» телеканали хабар беради. Ушбу муддатда мижозларга 38 мингта кредит ажратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 81 фоизга ортиқдир.


● «АФР» ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, кучли ёмғир натижасида Ҳиндистоннинг Корба шаҳридаги иссиқлик электр станциясида бахтсиз ҳодиса юз берган. Ҳали қурилиши тугалланмаган миноранинг ағдарилиб кетиши туфайли 20 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Вайроналар остида яна ўнлаб одамлар қолиб кетганлиги тахмин қилинмоқда.

● Германиянинг Бавария шаҳрида яшовчи фуқарога омад кулиб боқди. У лотереядан 31,7 миллион евро ютиб олди. Давлатга тегишли бўлган «Тото-Лотто» номли мазкур лотереянинг ютуқ жамғармаси 87 миллион еврога тенг эди.



Пойтахтимизда фаолият юритаётган корхоналар орасида «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ўз ўрнини топган бўлиб, унинг цехларида илғор, самарали технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қишлоқ хўжалигида қўлланилмоқда.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Иқтисодиёт

## МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙДИ

Ҳозирда мазкур жамият сафларида 500 нафарга яқин малакали ўз касбига алоҳида меҳр қўйган ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Узоқ йиллар давомида бу ерда ишлаб чиқарилаётган агрегат, саялка, шестерня насослари, мотор-редукторлар, машина ҳамда тракторлар учун қўллаб турдаги эҳтиёт қисмлар сифати ва рақобатбардошлиги боис нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топган. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу завод реконструкция қилиниб, замон талаблари даражасидаги компьютерлаштирилган бошқарувга эга бўлган машҳур компанияларнинг технологик линия, дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланди, ишчиларга уларни бошқаришни ўргатишда етакчи мутахассислар кўмагидан фойдаланилди. Мустақиллигимиз шарофати билан ушбу жамоа аъзолари эндиликда четдан келтириладиган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни тайёрлашмоқда. Асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш, ерни ўғитлаш,

ишлов бериш, йиғиб олиш, ер ва ундан олиннадиган ҳосил унумдорлигини ошириш мақсадларига кўмаклашувчи, деҳқонларнинг меҳнатини энгиллаштирувчи машина ва техникалардан — «ОВХ-600» русумидаги саялка, «НШ-32», «НШ-50», «НШ-100» русумли насослар, агрегатлар харидорлиги билан ажралаб туради. Шунингдек, бу ерда ички бозорни ўрганиш асосида қўллаб турдаги халқ истеъмоли моллари ҳам тайёрлаб келинмоқда.

Шу ўринда, жорий йилда корхонада юзага келган ҳолат — пойтахтда узоқ йиллар фаолият юритган «Ўзбекишломаш» заводи тугатилган, жамиятда мазкур завод ишлаб чиқарган маҳсулотлар: «КИР-15» русумли ўт ўриш машиналари, «СЧ-4» пахта экиш саялкалари, «РМУ» русумидаги минерал ўғит сепиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона маҳсулотлари «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Жаҳонда юзага келган молиявий инқирозга қарамай ин-

қирозга қарши чоралар дастурига кўра маълум йўналишлар — ишлаб чиқаришда хом ашё ва материаллар харажатлари меъёрини камайтириш ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтиришга эришилди. Маҳаллийлаштириш дастурига иштирок этаётган жамоа ахли режавий ишларни амалга оширмоқда.

Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлашда ишчи-хизматчиларга яратилган меҳнат қилиш ҳамда дам олиш шароитлари муҳим рол ўйнамоқда. Уларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилган.

Муҳаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА

**СУРАТЛАРДА: «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг тажрибали, етук мутахассислари сифатида маҳсулот тайёрлаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.**

Ҳақимжон Солиҳов олган  
суратлар.

### «Tashkent open—2009»

## БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида аёллар ўртасида бўлиб ўтаётган халқаро «Tashkent open—2009» мусобақаси қизгин паллага кирди.



Кучли спортчилар қаторида умидли ёш теннисчи қизлар ҳам турнир соврини учун куч синашиб, имкониятларини кенгайтиришга астойдил киришганини қузатиш мумкин. Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси мақоми остида ўтказиб келинаётган мазкур Тошкент очиқ чемпионати теннисчиларга камида йигирма поғона юқори кўтарилишига имконият беради. Таъкидлаб ўтамиз, бу энг камида. Демак, финал ва шохсу-па қанчалик яқин бўлса, спортчининг рейтинг мақоми ҳам шунчалик ортаверади. Бундан ташқари, алоҳида вазиятлардаги ўйини учун ҳам спортчи икки ва ундан кўпроқ баробар очко тўплаши мумкин. Масалан, агарда кучли сифатида сараланган ўйинчини доғда қолдира олса, рейтинг даражаси кескин юқорилашига туртки бўлади. Албатта, турнирга тўрт-беш босқичда сараланиб йўлланмани қўлга киритган теннисчи кортда кучли рақибга қарши келиб, уни мағлуб этса, имкониятлари бундан-да ошади. Хуллас, ҳамма нарса беллашув жараёнида маълум бўлади...

(Давоми 4-бетда).

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги Ибн Сино гузарига туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида 1 октябрь — Устоз ва мураббийлар кўнига бағишлаб уюштирилган катта байрам тадбирида тумандаги фахрий ўқитувчилар ва мураббийлар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Яққасарой туманида «Диний экстремизм ва терроризмнинг бугунги жамият ривожига хавфи» мавзусида ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир Республика Маънавият тарғибот марказининг Яққасарой туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Аёллар минбари» мавзусида уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда туманнинг фаол аёллари иштирок этишди.

✓ **МИРОБОД** туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Тошкент шаҳар Корея миллий маданият маркази ҳамкорлигида Фахур Гулом номли маданият уйида бадиий хаваскорлик жамоалари, тўғарақлар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Барчани рақсга таклиф этамиз» деб номланди.

З.УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

Юртимизда халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун ушбу жараённинг муҳим ҳуқуқий асосларидандир. Ушбу қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ва унинг ташқарисидан ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

— Мазкур қонун мамлакатимизда миллий паспорт тизими яратилиши ва шаклланиши учун ҳуқуқий асос бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Алишер Тошметов ўз ақидада. — Қонун қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини жорий қилиш бўйича ташкилий ишлар амалга оширилди. Натижада ҳозир амалда бўлган миллий паспортимиз яратилди. 1995 йил 1 январдан бошлаб фуқароларимизга Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик паспортлари расмийлаштирила бошланди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби паспорт тизими ҳам халқроқ андозаларга мос тарзда такомиллаштирилмоқда. Жорий йил 23 июнда Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинган бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Қайд этиш жоизки, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарорига (резолюцияси) мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шарт.

**Мамлакатимиз фуқаролари дунёнинг қайси давлатига бормасин, уларнинг қўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлади. Бу улугъ неъмат, бахт эканини баъзан чуқур ўйлаб кўрмаймиз. Ҳеч кимга қарам бўлмаган, барча давлатлар билан тенг ҳуқуққа эга давлатнинг фуқароси бўлиш, аниқроқ айтганда, унинг ҳимоясида бўлиш том маънодаги бахтдир.**

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқроқ фуқаро авионавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни қалбақлаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқроқ авиаташишлар сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари

бир қатор мамлакатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди.

Айтиш жоизки, миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ички ишлар идораларига бир қатор вазибалар юклатилган. Ҳозирги кунда 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Фармон ва ижро**  
**МИЛЛИЙ ПАСПОРТ ТИЗИМИ**  
**ТАКОМИЛЛАШМОҚДА**

рида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметрли паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончилиги ва халқроқ бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда электрон кўринишдаги маълумотларга эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортларини жорий қилиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Аввало, биометрик паспорт амалда бўлган

қаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқланди. Биринчи босқичда (2010 йил) республика вазирилари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги, жисмоний шахслар, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқаролар, иккинчи босқичда (2011-2015 йиллар) — бошқа фуқаролар янги паспорт билан таъминланади.

Биометрик паспортлар марказлашган ҳолда расмийлаштирилади ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш билан боғлиқ ишлар ҳам қонунчиликда белгилан-

ган тартиб бўйича амалга оширилади.

Янги намунадаги паспортни олиш учун фуқаролар доимий рўйхатдан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига, хорижда яшаётган фуқароларимиз Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик ваколатхоналарига ариза билан мурожаат қиладилар. Ушбу аризалар асосида биометрик паспорт тайёрлаш учун Давлат персоналлаштириш марказига биометрик маълумотлар юборилади. Мазкур марказ буюртма асосида фуқарога биометрик паспорт расмийлаштиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча ҳудудий, жумладан, туман ва шаҳар ички ишлар идораларида хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари маъмурий биноларида биометрик паспорт билан боғлиқ масалаларни ҳал этувчи ходимлар учун хоналар ажратилди. Улар замонавий жиҳозлар, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Соҳага малакали кадрларни жалб этиш масаласи ҳам алоҳида эътиборда. Тегишли ўқув даргоҳларида уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш чоралари кўриломоқда.

Эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилиши мамлакатимиз миллий паспорт тизимининг янада такомиллини таъминлаб, бу борада юртимизнинг халқроқ андозаларга мослашувига хизмат қилади. Бундай чора-тадбирлар фуқароларимизга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам кенг қулайликлар яратиши шубҳасиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

**Саломатлик**

**ЯНГИ РЕНТГЕН АППАРАТИ**  
**КЕЛТИРИЛДИ**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида беморлар саломатлиги йўлида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.**

— Институтимизда мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги муносабати билан бир қанча самарали ишлар йўлга қўйилди, — дейди институт директори, тиббиёт фанлари доктори Мирҳаким Азизов. — Инсонлар соғлигини мустаҳкамлаш, даволаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Республика миқёсида ташириш буюрувчи беморларга шариоит яратиш бериш мақсадида лаборатория, архив ва дорихона жорий таъмирдан чиқарилди. Ташхисни янада мукамаллаштириш йўлида эса, Япония давлатининг дунёга машҳур «Шимадзе» тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариш фирмасидан янги рентген аппарати келтирилди. Шу йилнинг ўзида 11 нафар шифокорларимиз Польша, Москва, Санкт-Петербург, Ярославлнинг тиббиёт марказларида ўз малакаларини ошириб, янги даволаш усулларини ўрганиб келдилар ва бугунги кунда уларни беморларни даволаш ишларида қўллаётдилар. Тўқсон минг дона китобга эга бўлган кутубхонамизга янги китоблар келтирилиши кадрларимизнинг ўз устиларида изланишлари ва билимларини янада мустаҳкамлашлари ҳамда яратмоқда. Шунингдек, келгуси йилда янги уч қаватли даволаш бўлимини қуриш ва ишга тушириш ишлари режалаштирилган.

**САМАРАДОРЛИКНИ**  
**ОШИРИШ ЙЎЛИДА**

**Тошкент шаҳар Тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасида бўлиб ўтган тадбир «Инсонлар саломатлиги йўлида» деб номланди.**

Тадбирда шифохонанинг бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори Элмира Баситхонова бугунги кунда шифохонада амалга оширилаётган тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати самарадорлигини янада ошириш, фуқаролар саломатлиги муҳофазасида хатога йўл қўймаслик, ёш шифокорларнинг тажрибаси ва малакасини оширишга аҳамият бериш, тиббий асбоб-ускуналарнинг тозаллик ҳолатларида янада масъулият билан қараш, шунингдек мазкур муассасада даволанаётган ногирон, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган беморларга кўрсатилаётган гамхўрлик ҳамда эътиборнинг кучайтирилишига аҳамият бериш, тиббиёт ходимларининг нафақат тиббий, балки маънавий билимини ошириш, онг ва тафаккурининг теранлашувига доир масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Бугунги кунда шифохонамизда 11 та даволаш ва 6 та ёрдамчи бўлимлар мавжуд бўлиб, уларда 104 нафар шифокор, 250 нафар ҳамшира ва 85 та ходимлар фаолият юритмоқда. Уларнинг барчаси беморлар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Зеро дунёда инсон саломатлигидан-да муҳимроқ ишнинг ўзи йўқ, — дея таъкидлаб ўтди бош шифокор.

Шунингдек тадбирда кардиология, реанимация, терапия бўлими бошлиқлари ҳам сўзга чиқиб, мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ҳамда пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан капитал таъмирдан чиқарилган бўлимлар ва уларга ўрнатилган 30 миллион сўм атрофидаги янги замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг замон талаблари даражасидаги хизмат кўрсатишидаги аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдирдилар.

**ТУБДАН**  
**ТАЪМИРЛАНДИ**

**Шаҳримиздаги 22-оилавий поликлиникада ҳам мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ҳамда пойтахтимизнинг йигирма икки асрлик юбилейи муносиб тўғралар билан кутиб олинди.**

— Поликлиникамизда жорий йилнинг тўрт ойи давомида хомийларимиз ва жамоамиз ёрдамида жуда катта капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди бош шифокор Файзулла Юсупов, — бунда иккинчи терапия бўлимининг 14 та хонаси тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, зарурий тиббиёт жиҳозлари билан жиҳозланди. Шунингдек, поликлиника ён-атрофи янада ободонлаштирилди.

Айни пайтда поликлиникада 40 нафардан ортиқ шифокор, 100 дан ортиқ ҳамширалар фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг аксарияти олий ва биринчи тоифали мутахассислардир. Ташкил қилинганига 30 йил бўлган поликлиникада оилалар саломатлигини муҳофазалаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, ёш болалар, ўсмирлар ва қариялар соғлигини назорат қилиш, ёш келин-куёвларни тиббий қўриқдан ўтказиш борасидаги ишлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Махалла ҳамкорлигида соҳага оид тадбирларнинг узлуксиз равишда ўтказиш борилиши эса фуқаролар ва поликлиника ходимлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамламоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

**ТУРКМАНИСТОНДА**  
**ЎЗБЕК КИНОСИ**  
**КУНЛАРИ**

**Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари маданий-маърифий соҳада ҳам ривожланиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркменистонга давлат ташрифи давомида маданий алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам ҳужжатлар имзоланган эди. Жорий йилнинг 17-20 сентябрь кунлари Ашхобод шаҳрида «Ўзбекистон миллий киноси кунлари» бўлиб ўтди.**

«Ўзбекино» миллий агентлигидан маълум қилишларича, миллий фильмларимизнинг ўзига хос байрамга айланган ушбу тадбирда юртимиз кино арбоблари, таниқли режиссёрлар, санъатшунослар иштирок этди. Тадбир давомида турли учрашувлар, анжуманлар, премьералар бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида санъатнинг барча турлари каби миллий кинематографияни раванг топтириш, унинг бой анъаналарини янада ривожлантириш, кишилар тафаккури, баддий диди, маънавиятини юксалтиришга, томошабинлар қалби ва онгига эзгу гоҳларни сингдиришга хизмат қилувчи кино асарларини яратиш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон миллий киноси кунлари» давомида эришилган бундай ютуқлар ва янгилликлар билан туркменистонлик кино иҳлосмандлари атрофлича таништирилди.

«Ўзбекистон миллий киноси кунлари»да юртимиз кино иждоқорлари томонидан суратга олинган «Меҳробдан чаён», «Чашма», «Ўтов», «Осмондаги болалар», «Сусамбил», «Кулол», «Регистон — Самарқанд марвариди», «Имом Бухорий», «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» сингари йигирмадан зиёд баддий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Туркменистонлик томошабинлар бу экран асарларини қизиқиш билан кутиб олдилар.

Тадбирлар Туркменистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, «Нейтральный Туркменистан» газетасида чоп этилган мақолада «Мазкур кино кунлари жонажон қўшни ва кадрдон дўст бўлиб келган икки халқ маданиятини янада яқинлаштиришга хизмат қилади» деб таъкидланади.

(ЎЗА)

**Пойтахтимиз Иқтисодиёти ривожидида йирик sanoat корхоналари, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг муносиб ўрни бор. Айниқса, бозор талаблари асосида тинмай изланиб, харидорни маҳсулот турлари билан ички бозорни таъминлаётган ва товарларини четга экспорт қилаётган ишлаб чиқарувчиларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим.**



Шаҳримиздаги «Тошкент бош кийимлари фабрикаси» масъулияти чекланган жамиятида ҳам буюртмаларни кўпайтириш, уларни талаблар даражасида удалаш, бош кийимларнинг замонавий янги моделларини яратиш устида олиб борилаётган изланишлар яхши самара бермоқда. Шу боис ҳам жамоа ахли жорий йилнинг ўтган ойларида кўзланган режаларини муваффақиятли бажариб, фойда билан яқунлашга муваффақ бўлишди.

— Албатта, маҳсулотнинг янги турларини яратишда, бозорбоп бош кийимлари тайёрлашда буюртмачиларимиз талабидан, харидорлар дид ҳамда эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда изланишлар олиб бораёلمиз, — дейди корхона бош директори Файрат Қосимов. — Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, буюртмаларни кўпайтириш мақсадида яқка

**Иқтисодиёт**  
**БУЮРТМАЛАР СИФАТЛИ**  
**АДО ЭТИЛМОҚДА**

тартибдаги миқозларга ҳам бош кийимлари тикиб берилмоқда. Бу, албатта, аҳоли учун яратилган қулайликларимиздан ҳисобланади. Маҳсулотларимиз сифатини ошириб, ташқи бозорни ўрганиб, чет эл ташкилотларининг ҳам бир қанча буюртмаларини бажариб беришга муваффақ бўлдик.

Айни пайтда корхонада давлат буюртмаларини ўз вақтида ҳамда сифатли этиб удалашга, тайёрланаётган буюртмалари бош кийимларнинг чиройли дизайни ва қулайлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Албатта, ҳар йили давлат тендерларидаги иш-

берилади. Шунингдек, тадбиркорлар республикамизда ўтказиладиган ярмарка ва савдо кўргазмаларида ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этиб, буюртмачилар билан фойдали шартномалар имзолаш имконига эга бўлмоқда.

Бугунги кунда корхонада 100 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларга қулай меҳнат шароитлари яратилмоқда, ижтимоий ҳимоя таъминланган. Изланишлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши эса, албатта уларнинг моддий манфаатдорлиги ошишида муҳим ҳисса бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА:** корхона чеварларининг меҳнат маъорати тайёрланаётган сифатли ва қулай бош кийимларида аксини топмоқда.

Ҳажимжон Солихов олган сурат

рат қилишга ҳаракат қиламан. Спорт-соғломлаштириш йўналиши бўйича сайланган Муҳиддин Муҳиддиновнинг айтишича, ушбу йўналиш ўқувчилар талабига кўра ташкил этилган. Сабаби, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишларида спортнинг ўрни бекиёс.

Етакчилар кенгашига ўқувчилар ўн битта йўналиш бўйича сайланди. «Оқ кабутар этади парвоз, шу етакчига берамиз овоз» шиори остида сайланган ўқувчилар тенгдошларига ўрнатилган сўз беришди.

«Туркистон-пресс»

**ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНДИ**

**Собир Раҳимов тиббиёт коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг коллеж етакчилар кенгашини сайлаш маросими бўлиб ўтди.**

— Ташкилотнинг экология бўлими етакчилигига номзодимни кўйдим, — дейди коллеж фармацевтика йўналиши ўқувчиси Ниғора Содиковна. — Бу ўта масъулиятли вазифа. Глобал иқлим ўзга-

ришлари қузатилаётган айни пайтда экология учун ҳар биримиз масъулимиз. Етакчи бўлиб сайлансам, тенгдошларим орасида атроф-муҳитга эътиборни кучайтириш ва озодлик ишларини назор-



**Файзли Оқшомлар**

Хозирда кўпчилик болалар биргаликда қандай ўйинлар ўйнашни қарийб унутиб юборишган. Нега шундай ва бунга қарши нима қилиш мумкин? Фан номзоди, руҳшунос Мукаррама Иқболова билан шу ҳақда суҳбатлашамиз.

— Биз болалар ўйинини уларнинг вақтини ўтказиш омили деб ўйлаймиз. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Болалар қизиқиб қиришиб кетадиган жой қаерда? Болаларни бирга ўйнашга қистар эканмиз, ўз олдимишга уларни бир-бирлари билан дўстлашишга мажбур этиш вазифасини қўймаймиз. Аммо болаларни бир-бирларини ҳурмат қилишга, ўз кадр-қимматларини ҳис этишга, нота-ниш болалар билан ёки бир мунча ёқимсиз туюлган ва ёхуд жуда қизикарли туюлган болалар билан тил топишиб кетишга ўргатиш жуда муҳим. Буни фақат

**Оилада бола тарбияси**

**КИЧКИНТОЙЛАР БИРГАЛИКДА ЎЙНАСИН**

буғунги кунни ўтказиш эмас, балки боланинг етуқлик ёшига етадиган келажакни ўйлаб қилиш керак.

— Бунда ҳар қандай ўйин ҳам шу мақсадга хизмат қилмас керак?

— Қанчалик галати туюлмасин ҳақиқатан ҳам шундай. Болалар ўйинида ўзига хос бир қанча қоидалар бўлиб, уларга риоя этилиши лозим. Ўйинда, француз инквизиционнинг, сийқаси чиққан бўлса ҳам, машҳур «Озодлик, Тенглик, Қардошлик» широрларига амал қилиш керак бўлади. Бунда ўйин спорт мусобақаси бўлмай,

унда галабага эмас, натижага интилиш муҳимлигини унутманг. Шу йўл билан носоглом рақобатчиликнинг олди олинади.

Болалар ўйини театр асаридан олинган лавҳаларга ўхшаб кетади. Ўйинга берилиб кетган болаларнинг ҳаракатларига разм солсангиз, режиссёр амал қилмаган тизим қандай иш бераётганини кўришингиз мумкин. Болалар маликалар ва жангчиларга, хиндуларга, жониворларга айланиб, улар ҳаётини тўлақонли ва ўзларини унутиш даражасида бошдан кечиришади.

— Айтинг-чи, катталар болалар ўйини қандай қилиб тўғри ташкил этишлари мумкин?

— Муҳими — ўйиндан кўрқув ҳиссини бутунлай истисно қилиш лозим. Агар болаларни ўйинда банд қилмоқчи бўлсангиз, аввало, ҳамма болалар баравар ўйинга ки-

ришишлари кераклигини унутманг, болаларни камситиб, «мен ҳам ўйнасам майлими?» деб ялинишларини қуттиш ярамайди. Ўйинбузуқиларни жазолаш ниётида уни тўхтатиб қўйиш ёки қимидир ўйиндан чиқариб юбориш ҳам зинҳор тўғри эмас. Ўйинда ўзини нотўғри тутиш, можарога айланиб кетадиган даражада шўхлик қилиш ҳоллари бўлади. Бу ерда катталарнинг вазифаси — бироз дам олиш учун ўйинни тўхтатиб туриш ёки айбдор боланинг айбини ўзига тушунтириб қўйишдан иборат.

Кейин, албатта ўйин давом этиши керак! Ўйиндан чиқариб ташланиши керак бўлган яна бир омил — бу зўравонликдан кўриқиб. «Буйруқлар»ни ёқтирмайдиган ва «ҳамма қилганини қилиш»ни истамайдиган болалар бор. Қилмаса — қилмасин! Бунинг учун жаҳлингиз чиқмасин ва «қоидага амал қилиш»ни талаб қилманг. Юмшқоқликни намоеён эта билиш, ўйин давомида қоидаларни аниқ бир бола ёки болалар хоҳиш-истагига қараб мослаб, ўзгартириб боришни билиш лозим.

Айтилик, биз ҳаво шарларига сараб, уларни ёриш ўйини ўйнаймиз. Болалардан бири шарларни аягани учунми ёки кўриқибми — бундай қилишдан бош тортади. Бундан фожиа қилманг — бу болага бошқа бир вазифа, масалан, бутун қолган шарларни йиғишни топширингиз мумкин. Кўраётганингиздек, вазиятдан шунчалик осон чиқиб кетиш мумкин ва ҳамма ўйинда қолади. Яна бир нарсаси: ўйинни бошқарувчи «капитан»ни сайлашга уринишнинг хожати йўқ. Болаларда адолатга интилиш ва рашқ ҳисси жуда ривожланган бўлади. Яхшиси, ўйинда ҳамма-нинг ҳуқуқи тенг бўлсин ва бутун жамоа бир кишига тобе бўлишининг кераги йўқ.

— Унда ўйинлар давомида болаларнинг ўзларида нималар ўзгаради?

— Болалар, бир-бирлари устидан галаба қилиш учун эмас, эрмак учун ўйнаёт-

ганларини тушунишади. Турли номинациялар белгилаш — энг мақбул усул бўлиши мумкин — бунда ўйиннинг қарийб ҳар бир иштирокчиси голиб чиқиши мумкин бўлади. Жамоалар тузишга ҳам ақл билан ёндашиш керак. Бир-бирлари билан унча дўстлашиб кетолмаган болаларни ёнма-ён қўйган маъқул. Болалар бир-бирларига кўмаклашганда, ўзаро қўл ушлашиб ҳаракат қилишганида бир-бирларига муносабатлари ҳам ўзгаради.

Бола, ўзидан галабани талаб этишмаётганини, ўзини намоеён этишининг куттишаётганини англаса, унда «мен ўзлигимча қоламан», деган ғурур пайдо бўлади. Шу тариха ўз шаъни, кадрини билиш ҳисси шаклланади. Ёки болалар ўртасида биз истаган ўзаро ҳурмат ҳисси тугилади, ўрталарида бўлган тўсиқлар барҳам топади. Ўйинлар, умуман, болаларни ўзаро бир-бирига яқинлаштиради.

— Болалар билан ўйинлар ташкил этишнинг ўзига хос «техникаси», мугомбирликлари ҳам бўлса керак?

— Болалар билан ўйнашнинг асосий «техникаси» — бу муҳит яратиш. Ўйин албатта ҳиссиётларга асосланиши — ҳис-ҳаяжон элементлари мавжуд бўлиши лозим.

— Тўғри ташкил этилган ўйинларда болалар нималарни ўрганишади?

— Балоғат ёшига етаркан, одамлар жамият билан хилма-хил муносабатлар ўрнатади. Шу муносабатларни қандай ташкил этиш тажрибаси болалигимиз, болаликдаги ўйинларимиздан шаклланган бўлади. Бундай ўйинларда бошқа болалардаги, дўстларидagi янги ва ноодатий нарсаларни кўрибгина қолмай, болалар ўзларига бўлган қизиқиш ва муҳаббатларини ривож топтирадилар ҳам. Шу йўл билан улар ўз шахсиятлари ва имкониятларини ҳам ўрганишади.

**Жаҳон санъати янгиликлари**

**КОНЦЕРТ НАМОЙИШ ЭТДИ**

Америка поп-юлдузи номи билан аталадиган кўча — Madonna Street марказий Польшанинг Румин шаҳрида пайдо бўлади. Radio Zet ўтган жума куни шу ҳақда хабар қилди. Шаҳар ҳокимияти бир неча ойдан бери Мадонна билан учрашиб, унга Руминнинг фахрий фуқароси бўлишни таклиф этиш ҳаракатида юришибди, деб ёзади Новости агентлиги.

Радиостанция маълум қилишича, Мадонна «поляк шаҳари фуқароси бўлишга унчалик катта иштиёқ

билдирмаган». Шаҳар кенгаши депутатлари шунда ҳам «бўш келмай», энди Мадонна шарафига Руминдаги кўча номини қўйишга аҳд қилишган. Америкалик санъат юлдузи билан хусусий самолёт Польша пойтахтининг Ф.Шопен номидаги «Окенче» аэропортига кўнган. Шундай қилиб, Мадонна гўё Краковга учиб келиб, у ердан Аушвиц-Биркенау гитлерчилар ўлим лагерини бориб кўради, деган олдинги хабарлар ўз тасдигини топмади.

Мадонна Sticky&Sweet турнеси доирасида поляк ишқибозлари олдида концерт билан чиқди. Шоу Варшаванинг «Бемово» аэродроми ҳудудида бўлиб ўтди.

**ХОТИРА ЛАВҲАСИ ЎРНАТИЛАДИ**

Озарбойжон президенти Илҳом Алиев хонанда ва бастакор, собиқ иттифоқ халқ артисти Муслим Магомаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги фармойишни имзолаган. АЗЕРТАЖ давлат ахборот агентлиги мазкур ахборотни тарқатди.

Фармойишга биноан Боку ижроия ҳокимиятига Муслим Магомаев яшаган (Фикрет Амиров кўчаси, 1) уйда хотира лавҳасини ўрнатиш топширилган. Вазирлар Маҳкамаси Бокудаги мусиқа мактабларидан бирига Муслим Магомаев номини бериши керак.



Ёшлар санъати дунё сахналарини забт этмоқда.

**Қирқ йил олдинги сирлар**

**NASA ИЛК БОР ОДАМ ҚАДАМИ ОЙГА ТЕККАНИ ҲАҚИДАГИ МАГНИТ ЁЗУВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ**

Астронавтар Армстронг ва Олдринларнинг Ойдаги сайри ҳақидаги ёзув кўп йиллар олдин тушуниб бўлмайдиган қандайдир сабаблар билан йўқ қилинган бўлиб, ундан айрим нусхалар қолганди. Ана шу нусхалар қайта тикланди. 15 дақиқалик видеохабарни тиклаш учун уч йиллик машаққатли меҳнат ва 200 миң доллар маблағ керак бўлди.

Америка аэрофазо агентлиги илк бор инсон оёғи Ойга етганлиги ҳақида қайта тикланган ёзувини эълон қилди. Шу йил июль ойида Ой сайёрасига тарихий парвознинг 40 йиллиги нишонланди. Мана ўша — «Инсоннинг кичик одими — инсоният учун эса улкан бир сакраш». 1969 йили мазкур видеокадрларни 1 миллиардга яқин киши томоша қилганди. Янги аср — янги технологиялар асри. Эндиликда бугун — роппа-росса қирқ йилдан кейин яна жаҳон миқёсида тақдимнома: гўё ўша видеохабар, аммо буниси рақамли форматда. Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, бу тасвирлар ҳатто аслидан ҳам яхшироқ. Эҳтимол шундайдир, бироқ аслини кўп йиллардан бери ҳеч ким кўрмаган. Плёнкаларнинг жумбоқли йўқолишини турлича изоҳлашади: йўқотишганми ёки ўчириб ташлашганми — тасодифанми ёки атайлабми — бугун буни аниқлаш қийин.

**Ричард Нефзжер, NASA вакили:**

— Архивлардаги кўчирма нусхалардан тиклашимизга тўғри келди. Ҳар йиллик машаққатли меҳнат, 200 миң доллар — 15 дақиқалик видеохабар шунчага тушди. Америкаликларнинг Ойдаги саргузаштларини сентябрда тўлиқ кўриш мумкин бўлади. Ҳозирча эса энг машҳур лаҳзалар акс эттирилди. Чапда — эски архив плёнкаси, ўнгда — 2009 йил тасвири. Уларнинг фарқи шундоқкина кўзга ташланиб турибди — Нил Армстронг бошида шлёми борлигини аввал фақат тасаввур этиш мумкин бўлса, ҳозир астронавт бошидаги шлёми аниқ кўриниб турибди. Астронавтнинг ўзи — Ойда. Бу воқеани шубҳа остига олиш модага айланган. Бироқ, ўз вақтида шўро космонавти Героргий Гречко айтганидек, «Ойдан сиғналлар қабул қиларканмиз, биз уларни Голливуддан эмас, ҳақиқатан ҳам Ойдан қабул қилганмиз».

Аммо ҳар қандай гавго — рекламадаги гап. 40 йил олдинги фазовий ҳодисаларга қизиқиш қанчалик катта эканини Нью-Йорк аукцион кўрсатиб берди. Ойда бўлиб қайтган юлдузли осмон ҳаритаси 218 миң долларга пуланишини ташкилчилар ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаганди.

**Кристина Гейжер, аукцион ўйининг вакили:**

— Бу энди илоҳий нарсага айланган. Базз Олдрин ва Нил Армстронг Ойга кўнганларидан кейин қаердаликларини аниқ белгилашларига хизмат қилган осмон. Бу буюм уларни ўтмиш тадқиқотчилари билан боғлайди — юлдузли осмоннинг шунга ўхшаш ҳариталари юзлаб йиллар олдин денгиз сайёҳларидагина бўлган.

**Тиббиёт фани янгиликлари**

**ДАВОЛАШНИНГ ИЛҒОР УСУЛИ**

Канадалик олимлар склероз касаллигининг шу хилини даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиди. У организмнинг аутоиммунал реакцияларини босиш учун химерли оксиллардан фойдаланишга асосланган. Бошқаларидан фарқли ўлароқ ушбу услуб агрессив кимёвий бирикмалардан фойдаланишни кўзда тутмайди, балки жухайравий терапия йўли билан организмнинг иммунал реакциясини тартибга солиди.

Леди Дэвис тиббиёт тадқиқотчилиги институти ва Мак Гилл университетини (Монреаль, Канада) олимлари ўзлари синтез қилган оксилли дорининг бир марта юборилиши лаборатория жониворларида тарқоқ склероз касали суъайишига олиб келишини исботлашди. Тадқиқотлар натижалари Nature Medicine журналича эълон қилинган.

Олимлар, химерли оксил нафақат склерознинг кечишини, балки инсон аутоиммунал табияти билан боғлиқ бошқа касалликлар ривожини тўхтатиб қолиши мумкин, дея таҳмин қилишмоқда. Булар даволаниши мураккаб бўлган Крон касаллиги, тери сили, артрит каби хасталикларнинг бутун бир мажмуи-

дир. Ушбу усулдан трансплантация қилинган кейин инсон аъзо-ларининг қабул бўлмаслигига қарши фойдаланиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Олимлар томонидан яратилган GIFT15 химер бирикмалари GSM-CSF ва интерлейкин-15 турли оксиллардан ташкил топган икки қисмдан иборат. Нормал шароитларда оксилларнинг ҳар бири организмнинг иммунал реакциясига жавоб беради. Бир бирикмага синтез қилинган оксиллар В-лимфоцитлар «қайта конверсия»ла-нишини бошлайди» ва шу йўл билан иммунал реакцияни босади, — дея маълум қилади «biorg.ru».

**ОЛИМЛАР ИХТИРОСИ**

Нанотехнологиялар бўйича таниқли ихтирочи Константин Веричагин раҳбарлигидаги бир гуруҳ россиялик олимлар жаҳон фанида ҳали фақат назарий жиҳатдангина маълум бўлган ихтирони яратиш ва амалда қўллашга муваффақ бўлишди. Яъни улар сув-даги физик вакуумдан жуда катта ҳажмдаги энергияни жамлашга эришишди. Бу — инсон организмга таъсири самаралилиги жиҳатидан

мислсиз янгилик ҳисобланмоқда.

Маълумки, физик вакуумдан онгли равишда энергия олишга йўналтирилган ҳамда ўз энергиясини бошқариш йўли билан ўз-ўзини соғломлаштириш, мукамаллаштириш ва хотир-малликка эришиш бўйича назария ва тажриба ишлари мавжуд. Бироқ ўз ҳолатига ва атрофига юз бераётган ҳодисаларга таъсир этишга ўрганиш жуда мураккаб иш бўлиб, оддий кишилар учун у катта қийинчиликлар туғдиради.

Чунки ҳатто ДЭИР, цигун, аюрведа, фазовий энергетика ва шу каби энг нуфузли усуллардан фойдаланган ҳолда бирон-бир натижага эришиш ўзимиз яшаётган моддий оламдан бир қадар абстракцияла-шишни талаб этади. Биоэнергетик томчилар ихтиро қилиниши билан ўз энергетикасини фавқулодда даражага кўта-риш, энг юқори энерге-тик ҳолатга (бинобарин, соғломлик ва ҳаёт сил-фатига) ҳамда ДЭИР, рэйкалар, аюрведа, цигун тажрибалари билан шуғулланиладиган маш-гулотлар самарасидан кўп марта афзалроқ на-тижаларга эришиш им-конияти пайдо бўлди. Энг муҳими, оддий ки-шилар қундалик ҳаётла-рида ушбу натижалар-ни қўлга киритиши мум-кин.

**Бир чимдим кулги**

**«НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?» ЎЙИНИ**

Хотин эрига мурожа-ат қилади:

— «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйини сизга ёқадими?

— Ёқади. Нимаиди?

— Унда шу ўйинни ўйнайлик.

— Майли.

— Ундай бўлса, ай-тингчи: кеча Лобар ши-лким билан нима қилиб юргандингиз? Ўтган куни қаерларда йўқ бўлиб кетдингиз? Ўзи, қачонгача мени ахлоқ қилиб юрмоқчисиз?!

таётганди, деб ёзиб беролмайсизми — ма-шинамни қимматроққа пулламоқчийдим...

**ИККАЛАСИ ИККИ ЁҚҚА КЕТДИ**

Бир аёл иккинчисига:

— Эринг Голландия-га котибаси билан кет-ганми, деб эшитдим!

Униси жавоб беради:

— Бўлмаган гап — бу игвондан бошқа гап эмас: эрим Голландия-га, котиба эса — Ни-дерландга кетишди!

**ШИФОНЬЕРДАН ТОПДИМ!**

Бир эркак руҳшунос қабулига қиради:

— Доктор, мен хоти-ним масаласида кел-гандим. Унинг мияси-ни гўё бирор кийимла-рини ўғирлаб кетаёт-гандай фикр доим таъ-қиб қилапти.

— Бунга ишончингиз қомилми?

— Албатта. Қўйла-ларини қўриқлаш учун у махсус одам ёлла-ди. Мен уни кеча ши-фоньёрдан топиб ол-дим.

**ОШИРИБ ЁЗИНГ...**

Катта йўлда тезлик соатига 60 километр-гача чекланган. ДАН ходими эски, пачақ-ланган машинани тўхтатади:

— Сиз жарима тўла-шингизга тўғри келади, — деб тушунтиради у ҳайдовчига. — 80 кило-метр тезликда келаёт-гандингиз.

— Кечиринг, айтинг-чи, далолатномага 240 километр тезликда ке-



— Ушбу кадрдон даргоҳда халқ рассоми, академик Алишер Мирзо, Баҳодир Жалол, Жавлон Умарбеков ҳамда шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва бошқа бир қатор турли соҳаларнинг таниқли вакиллари ўз ижодий фаолиятларини бошлаганлар.

Ҳақиқатан ҳам ўқувчилар ижодиёти марказининг фаолияти билан қизиқиб қарасангиз, бу ерда ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда уларнинг мавжуд қобилиятларини шакллантириш мақсадида зарур бўлган кўплаб имкониятларнинг яратилганлигини кўришингиз мумкин. Бу ерда марказнинг 70 дан ортиқ мутахассис-педагоглар мактаб ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш учун яқиндан

### Таълим марказларида ўқувчиларнинг қадрдон маскани

Шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази бугунги кунда ўқувчиларнинг севимли таълим масканларидан бирига айланган.

қўмак бериб, уларнинг қизиққан соҳалари бўйича сабоқ бериб келишмоқда.

— Ўқувчиларни тўғарак ва студияларга қамраб олишда асосан, қизиқшлари, истеъдодлари ҳисобга олиниб, сўнгра қабул қилинади, — дейди шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази директори Тамара Мирсағатова.

Тўғаракларда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга бепул таҳсил берилади.

— Айни кунларда марказда «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерга келиб-кетувчиларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда.

— Менга бу ердаги тўғараклар-

дан «Бисер тўқиш», «Тасвирий санъат» ҳамда «Кўзумчоқ», «Фунча» рақс дасталари жуда ёқди. Айниқса, тўғаракларнинг бир-биридан жуда қизиқарли эканлиги мени ўзига жалб этди. Мен ҳам ушбу тўғаракларга қатнашмоқчиман, — дейди 142-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Райхон Шаронова хурсандчилиги ичига сиғмай.

Ҳа, албатта, ўқувчиларнинг қадрдон маскани бўлган бу даргоҳ ҳар доимгиданда болажонларнинг қувноқ кулгисидан тўлиб тошмоқда.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ СУРАТЛАРДА:** шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказида ўтказилаётган «Очиқ эшиклар кунидан» лавҳалар.

**Владимир Гранкин олган суратлар**



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

#### ҲИКМАТЛАР

Дўстларини хатоси учун тарк қилган одамнинг дўстлари кам бўлади.

\*\*\*

Кимнинг ҳиммати баланддир, қиммати ҳам баланд бўлади.

\*\*\*

Муносиб бўлмаган сўзни сўзлаган, номуносиб нарсани эшитади.

\*\*\*

Кимки кўп ейиш мақсадида ранж ва заҳмат чекса, донолик ва ҳушёрликни қўлдан беради.

\*\*\*

Одамлар билан муроса қилган одам уларнинг макридан омонда бўлади.

\*\*\*

Ҳар ким нимагадир интилса, уни ёхуд бир қисмини қўлга киритади.

\*\*\*

Кимки ҳиммат нарвони воситасида юксалса, одамлар уни улуг тутадилар.

\*\*\*

Кимки сени сенда йўқ сифатлар билан мақтаса, шубҳасиз, у сени сенда йўқ сифатлар билан ерга уради.

\*\*\*

Кимки ўз сир-асрорини асрашга нотавон бўлса, ўзгалар сир-асрорини асрамоққа нотавонроқдир.

\*\*\*

Кимнинг фикр-андиша кўзлари бедор бўлса, истаган юксаликка эришади.

\*\*\*

Кимки ҳаром йўллар билан мол-дунё тўпласа, уни ҳаром йўлларга сарф этади.

\*\*\*

Кимки донишмандлардан мадад истаса, юксалиш йўлини топади.

\*\*\*

Кимки исрофгарчилигидан мамнун экан, қашшоқликда хору зор бўлади.

\*\*\*

Кимки фитнес оловини ёқса, ўзи унга ўтин бўлади.

\*\*\*

Кимки илмнинг интиҳосига етдим деб даъво қилса, мутлақ нодонлигини ошкор қилибди.

\*\*\*

Кўнгилинг қаттиқлиги энг буоқ бахтсизликдир.

\*\*\*

Ўз кўшнисини хор қилган кимса иззат топмас.

\*\*\*

Қўлдан кетган нарсага қайғурма.

\*\*\*

Лойиқ бўлмаган нарсангни тамаъ қилма.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сони 29 сентябрда чиқади.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**  
Белорусиялик Дарья Кустова ва россиялик Александра Панова (дарвоқе, бу ўйинчи асосий жадвалга саралаш мусобақаларидан чиққан) уларнинг иккинчи давра беллашуваридан сараланган Галина Воскобоева (Қозоғистон) ва Патрисия Майер (Австрия)ларни орта чекинишга мажбур қилдилар. Бир кун аввал шундай

турнирда ҳамюртимиз Оқулнинг Бичковага мағлуб бўлгани рейтингига анча таъсир кўрсатиб, АҚШ очик чемпионатида қатнаша олмагани. «Tashkent open—2009»нинг иккинчи даврида россиялик бу теннисчи яна миллий жамоамиз етакчисига қарши кортга тушишини яхши билиб, мағрурланиши ҳам шунда эди. Кеча россиялик ва ўзбекистонлик

дан анча толиқиб, чекинишга мажбур бўлди. Ушбу беллашув Оқул фойдасига 4/6 7/5 7/6 ҳисобида яқун топди.

Исроиллик Шаҳар Пир эса иккинчи даврадаги германиялик Катрин Вейерле билан бўлган беллашувни осонликча ўз ҳисобига ҳал этди. Тошкентга келишдан олдин у Гуньжоу (ХХР)да ўтган худди шу тоифадаги тур-

### «Tashkent open—2009» БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

баҳс сажқизинчи бўлиб сараланган Иоанна-Ралука Олару (Руминия) ва Екатерина Бичкова (Россия) ўртасида бўлиб ўтган. Россия вакили рейтинг ботида имконияти анча паст бўлишига қарамадан, рақиб билан тенгма-тенг беллашиб, 7/5 7/5 ҳисобида мағлуб этганди.

Екатерина Бичкова кўпчиликнинг эътиборини тортгани шундаки, дастлабки галабаси у ёқда тургани, аввалдан кейинги даврани ҳам беамалол енгиб ўта олишига ишончини беркитмасди.

Спортда куч ва имконияти ишоник керак ёки мумкин, аммо фақат ўта мағрурлик ҳеч кимга ҳали зафар келтирмагани ҳам яхши маълум. Шу боис Екатеринбургнинг бу ноўрин совуққонлиги узоққа чўзилмади ҳам.

Шу йили Хитойда бўлиб ўтган

теннисчиларнинг бир-бирига қарши куч синашиши пайтидаги хиссиётларини тушуниш қийин эмасди. Биринчи сетда Оқул имкониятини бой берганда эса, Екатеринанинг ўзига бўлган ишончи чегара билмаганга ўхшарди, назаримизда. Бироқ яхши маълумки, Оқул уч сетли ўйинчи ва дастлабкида деярли ҳар доим рақибини синайди.

Бу сафар ҳам Омонмуродова шундай ўйин кўрсатди. Кейинги икки сетда у россиялик рақибини келма-кет таъқиб этиб, қўлга киритган бирон-бир гейм-очколаридан баҳра олишига заррача имконият бермасди, унинг ортидан бирин-кетин очко тўплашга муваффақ бўлаверди. Охир-оқибат голибликка иккала ўйинчининг имкониятлари тенг бўлсада, Бичкова рақибининг кучли зарбалари-

нирнинг шохсупасига чиққанди. Исроиллик теннисчи айтиб ўтганидек, бу галабасини Тошкентда ҳам қайтариш истаги бор ва шу тарих бундан икки йил аввалги рейтингини — WTA таснифида биринчи йигирмаликка киришни мақсад қилган.

Шундай қилиб, «Tashkent open—2009» чорак финалчилари аниқланди. Бугун яримфинал учун баҳсларда Қозоғистон, Руминия, Словакия, Украина, Белоруссия, Россия, Исроил давлатлари вакиллари ҳамда ўзбекистонлик Оқул Омонмуродова қатнашади.

Эслатиб ўтамиз, 27 сентябр, яқшанба кунини «Tashkent open—2009» мусобақасининг яқалликдаги финал учрашуви, шунингдек голибга ва финалчини тақдирлаш маросими ўтказилади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

### Спорт янгиликлари ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 22-тур баҳслари пойтахт командалари учун муваффақиятли яқунланди.

Ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини қабул қилган Виктор Жалилов бош мураббийлигидаги «Пахтакор» командаси сермазмун ўйин намойиш этган ҳолда меҳмонларни 6:1 ҳисобида мағлуб этди. Шу кун мухлислар «Пахтакор»дан Миладинович, Р.Аҳмедов, Сунонов, О.Аҳмедов (2та), К.Тожиёв, «Қизилқум»дан Насибуллаевлар томонидан дарвозаларга киритилган чиройли голлар гувоҳи бўлишди.

Бухорода «Бунёдкор»га қарши ўйнаган «Бухоро» жамоаси айтиш жоизки, амалдаги чемпионга муносиб қаршилик кўрсата олди. Ўйин муросасиз ва шиддатли курашларга бой кечди. 90 дақиқа давомида дарвозаларга учта тўп киритилди. Таҳриба ва маҳоратнинг устунлиги эвазига Ри-

валдо сардорлигидаги «Бунёдкор» жамоаси учрашуви 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Дарвозаларга тўпларни «Бухоро»дан Қобулов, «Бунёдкор»дан Саломов, Вильянуэва йўллашди.

Шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив»га ҳам ушбу турда омад қўлиб боқди. Тошкентда Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан куч синашган темирйўлчилар бешинчи дақиқада пенальтидан Саломин киритган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар қучишди ва муҳим очколарни қўлга киритишди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Насаф» — «Динамо» — 0:2, «Андижон» — «Нефтчи» — 3:2, «Олмалик» — «Хоразм» — 2:0.

(Ўз мухбиримиз)

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «Тошавтотранс» Акциядорлик компанияси «12-Автобус саройи» ОАЖга тегишли бўлган 4 дон «Мерседес БЕНЦ 0405» русумли автобусларни «Пойтахт АУКЦИОН» давлат унитар корхонаси томонидан 2009 йилнинг 17 сентябрь кунини аукцион савдолари орқали сотилишини маълум қилади. Тошкент шаҳар Сергели туман Спутник-12 мавзесида жойлашган «12-Автобус саройи» ОАЖ худудида сақланаётган:

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 135, бошланғич баҳоси 37 000 000 сўм, гаров миқдори 7 400 000 сўм.
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АВ 843, бошланғич баҳоси 36 000 000 сўм, гаров миқдори 7 200 000 сўм.
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 884, бошланғич баҳоси 36 000 000 сўм, гаров миқдори 7 200 000 сўм.
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 837, бошланғич баҳоси 37 000 000 сўм, гаров миқдори 7 400 000 сўм.

Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади. Савдоларда қатнашиш учун юқориди кўрсатилган миқдордаги гаров пули «Пойтахт АУКЦИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига ўрнатилган тартибда тўланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

### Қонун барчага баробар КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Харидоргир маҳсулотлар доим ҳам истеъмолчи, ҳам савдо ходимларининг диққат марказида бўлиб келган.

Тўғрида, ким ҳам ўз маҳсулотини тез сотиб, кўпроқ фойда олишни хохламайди, дейсиз. Айниқса, маҳсулот хориждан олиб келинган бўлса. Баъзан мўмай даромад ортидан қувиб, «имконияти қўлдан бермайман», дея, жиноят кўчасига кириб қолганларни уратамиз...

Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Чилонзор туман бўлим ходимларининг ушбу туманининг Бунёдкор кўчасидаги «Собир Раҳимов» автошоҳбехати ёнида ўтказилган тезкор текшируви натижасида Шайхонтоҳур туманида истикомат қилувчи хусусий тадбиркор Умиджон М. ана шундай ҳолатга тушиб қолгани маълум бўлди. Департамент ходимларининг саъй-ҳаракатлари эвазига яна бир ноқонуний ишга чек қўйилди. Аниқланишича, ушбу шахс ўз фаолияти давомида жуда кўп мартаба савдо қондаларини бузиб, қонунга хилоф равишда хориждан келтирилган маҳсулотларни чет эл ҳамда миллий валютамизда сотган.

Текширув кунини хусусий тадбиркор Умид М. фуқаро С.Жасановага тегишли кириш ва сифат ҳужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 5,4 миллион сўмлик жами 40 дон «G-6» русумли газ ҳисоблагич ускуналарини 2.450 АҚШ доллари ҳамда 1431000 сўм эвазига сотаётганини қўлга олинди.

Шунингдек, текширув жараёнида М.нинг Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Карвон бозори худудидаги дўкони кўздан кечирилганда, у ерда ҳам тегишли кириш ҳужжатларига эга бўлмаган хорижда ишлаб чиқарилган 22 турдаги жами 1 271 000 сўмлик ҳўжалик маҳсулотлари мавжудлиги аниқланди.

Шундан сўнг, М.га нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, унга тегишли ноқонуний моллар масала қонуний ҳал бўлгунга қадар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

**Зиёвуддин АЪЗАМОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКК  
Департаменти Тошкент шаҳар, Бектемир туман катта инспектори.

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 806

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2810 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Топширилган вақти: 12.58